



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (13.876)

Баҳоси эркин нарҳда

## СИРДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелда Сирдарёга ташрифи давомида берилган топшириқлар ва Сайхунобод туманида ўтган йиғилиш якунига асосан вилоятни 2018-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қиймати 6,3 триллион сўмлик 302 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 минг 458 янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган эди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Сирдарё туманидаги "Сирдарё универсал ойна" масъулия-ти чекланган жамияти фаолияти билан танишишдан бошлади. "Сирдарё" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган мазкур корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Ўтган йил июнь ойида фаолият бошлаган корхонада қиймати 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз фармацевтика саноатига шу пайтгача ҳар йили 4 миллион долларлик шиша флаконлар импорт қилинади. Ушбу корхона ишга тушгач, юртимиз фармацевтика корхоналарига шиша идишлар етказиб бериш имконияти кенгайди.

Марказий Осиёда ягона ушбу корхонада айни пайтда 100 дан ортиқ турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Германия, Чехия ва Францияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ўрнатилган, ишлаб чиқаришда тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Жорий йилдан тўла қувват билан ишлайдиган корхонада йилга 102 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилади, 2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кутилмоқда. Корхонада 450 киши иш билан таъминланган.

Президентимиз шиша идишлар ишлаб чиқариш жараёни, тайёрланаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда "Сирдарё универсал ойна" корхонаси томонидан кластер усулида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Корхона ёнида "Сирдарё гласс" МЧЖ томонидан янги технология асосида бир вақтинг ўзида фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Келаси йил ишга тушириладиган корхонада 500 иш ўрни яратилади, йилга 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

"Сирдарё шиша" МЧЖ томонидан шиша идишлар учун кварц қумини қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Йилга 438 минг тонна қум қайта ишланадиган корхона учун "Асака" банкдан 5 миллион долларлик кредит ажратилади, 5,1 миллион доллар корхонанинг ўз маблағидир.

"Сирдарё универсал ойна" ва "Сирдарё гласс" корхоналарида ишлаб бўлинган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб, Европа типидagi иссиқхонада сабзавот етиштириш режалаштирилмоқда. Унга кўра, "Сирдарё универсал ойна" корхонаси ёнида 10 гектарлик иссиқхона барпо этилади. Лойиҳа беш босқичдан иборат бўлиб, иссиқхоналарни бошқаришнинг тўлиқ автоматлаштирилган тизими, сувни қайта циркуляция қилиш ва ёмғир сувидан фойдаланиш, сифат назорати, ишлаб чиқариш, ресурслар билан таъминлашнинг европача тизимини қамраб олади.

Ушбу иссиқхонада йилга 2,5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 6 миллион доллар атрофида соф даромад олиш ҳамда 5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

"Сирдарё фиш технологи" МЧЖ томонидан ёпиқ сув айланма тизими орқали балиқ етиштириш ва қайта ишлаш режалаштирилган. 2020 йилда ишга тушириладиган ушбу лойиҳа самарасида йилга 2 минг 750 тоннадан зиёд балиқ етиштирилади.

"Сирдарё гласс" корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда консервланиш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа орқали йилга 3 минг тонна маҳсулот қайта ишланади, 140 иш ўрни яратилади. Бу вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш имконини беради.

Шу ернинг ўзида вилоятда инвестиция маблағлари асосида фармацевтика, тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Фарход ГЭСини модернизация қилиш, Сардоба сув омбори қошида кичик ГЭС қуриш лойиҳалари, "Сирдарё голден фрут" МЧЖ томонидан туманда ташкил этилган кўп тармоқли логистика маркази тақдимотлари ўтказилди.

Мамлакатимизнинг Хитой, Италия ва Қозоғистон давлатларидаги элчилари вилоятга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, ҳудудларо ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажмини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари вилоят иқтисодий салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ушбу инвестицион лойиҳаларнинг аҳамияти юқори эканини таъкидлаб, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва иқтисодий самардорлигини ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ДАВЛАТ МУЛКИ

### ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5552-сонли Фармонида мувофиқ эксперимент тарихида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объекти 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўрни яратиш шarti билан 11,2 миллиард сўмга сотилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5552-сонли Фармонида белгиланган давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш муддатини 2020 йил 1 январга қадар узайтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2019 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 28 февраль куни Тошкент шаҳрида қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига олиб борилган демократик ислохотлар ва ўзгаришларнинг самардорлигини таъминлашга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурини ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Жазони ижро этиш муассасаларида озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Шунингдек, сенаторлар айрим қонун ҳужжатларига ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши, айрим давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон

Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқадилар.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитдилар.

Ялпи мажлисда Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларини ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам тингланади.

Сенаторлар жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳукумат аъзоларига парламент сўровлари юбориш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига қарадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн саккизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати**



## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАБУСЛАРИ УМУММИНТАҚА МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тадбирда Афғонистон, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Эрон, Германия, Грузия, Ҳиндистон, Исроил, Испания, Қозоғистон, Канада, Миср, Хитой, Корея, Кувайт, Озарбайжон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Таиланд, Туркия, Венгрия, Украина, Ўзбекистон, Финляндия, Франция, Швеция, Япония давлатларидаги таҳлилий марказларнинг 100 дан зиёд вакиллари иштирок этмоқда. Анжуманда Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Арктика маслаҳатлашув кенгаши минтақавий тузилмалари, шунингдек, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Европа инвестицион банки ва бошқа халқаро молия институтларидан қатнашчилар ташриф буюрган.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида тинчликпар-

варлик, манфаатли ва ишонч руҳидаги шериклик таъминлаш устувор ҳисобланади. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришган илк кунлардан ҳамкорликнинг самардорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилишини қайд этганди.

Бу каби мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгани мамлакатимизнинг очик, дўстона ва прагматик сиёсатдаги қатъий позицияга содиқлигига яна бир далилди. Унда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсий фаолият юри-

тиш, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш каби масалалар устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўтган қисқа вақтда минтақа давлатлари ўртасида ишонч даражаси сезиларли ошди. Қўшни мамлакатларга сафарлар, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон Президентларининг мамлакатимизга ташрифлари натижасида минтақада савдо алоқалари фаоллашди, ҳудудларо ҳамкорлик бўйича манфаатли ечимлар топилиб, транспорт коммуникациялари имкониятларини мувофиқлаштириш, Давлат чегараларини демаркация ва демилитация қилиш бўйича мулоқотлар фаоллашди.

(Давоми 3-бетда)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоятига Кувайт давлатининг "Al-Bader International Development Co.W.L.L." кўп тармоқли халқаро компанияси вакиллари-дан иборат делегация ташриф буюрди.

● Жиззах вилояти Зарбдор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастури доирасида куриб битказилган сузиш хавзасининг очилиши маросими бўлиб ўтди.

● Самарқандда "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳар "Коворкинг" марказида вилоятдаги ёш тадбиркорлар ва мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда.

● Тошкент вилоятда Янгиўл туман татар миллий маданият маркази ташкил этилганнинг 20 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Харбин шаҳрида визуал рельс-ли электропоезд сивовдан ўтказилди. Узунлиги 30 метр, йўловчи сифими 300 кишилик бўлган

электропоезд – 20 даража совуқда сивовдан ўтказилган. Янги электропоезд соатига 70 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. Ўн дақиқа қувват олиши таҳминан 25 километр масофа босиб ўтишга етади.

● Индонезияда 5,6 магнитудали зилзила юз берди. Зилзила эпимаркази Тернате аҳоли яшаш пунктидан 131 километр узоқликда ва 36 километр чуқурликда жойлашган. Дастлабки маълумотларга кўра, зилзила оқибатида қурбонлар йўқ. Цунами хавфи ҳам қайд этилмаган.

● Бангалор шаҳрида Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучларига қарши Сурия Киран учувчилар гуруҳининг иккита Hawk реактив самолёти авиашоуга тайёргарлик кўриш вақтида тўқнашиб кетди. Қайд этилишича, учувчилардан бири олган жароҳатлари оқибатида ҳалок бўлган, яна икки нафари муваффақиятли катапульта қилинган.

# ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қошидаги "Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази" давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилсин ва у мазкур Марказнинг таъсисчиси сифатида белгилансин.

4. Белгиланган кўйилсинки:

давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида амалга оширилади; 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш учун электрон савдоларга чиқаришда улар бўйича ижара тўловининг энг кам ставкаси объектни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш мақсадида кўрсатилган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича қўйилган давлат кўчмас мулк объектлари улар тўлиқ сотилмагунча қадар савдолардан олинмайди.

5. Куйидагилар:

"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарт билан сотиладиган давлат мулки объектларини рўйхати 1-иловага мувофиқ;

белгиланган тартибда сотилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

келгусида самарали фойдаланиш учун давлат органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат тендер комиссияси) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда:

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган тегишли ер участкалари, бино ва иншоот-

ларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланишини ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг 3-иловасида кўрсатилган давлат мулки объектларини қабул қилиш топшириш ишларини, шунингдек, улардан келгусида самарали фойдаланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унда агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Давлат тендер комиссиясининг қарорлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини тўлашда, савдолар ўтказилган санадаги белгиланган энг кам иш ҳақи (кейинги ўринда – ЭКИХ) баравари миқдоридан ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, сотиб олиш тўловларини тўлашнинг қуйидагича белгиланган муддатларини жорий этиш:

ЭКИХнинг 3 000 бараваригача – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 3 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 7 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 7 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 15 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 15 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 20 000 бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб икки йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 20 000 бараваридан юқори бўлганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатда;

б) "Кварц" АЖ устав капиталидаги 20 фоиз давлат акциялари пакетини босқичма-босқич фонд биржасида иккиламчи SPO ўтказиш орқали, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида акциялар пакетининг 5 фоизини сотувга чиқарган ҳолда савдога қўйиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

8. Давлат тендер комиссиясига, истисно тари-

қасида, ҳўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари (улушлари) пакетларини олди-сотди шартномаларини қимматли қоғозлар савдолари ташкилчиларининг савдо майдончаларидан ташқарисида рўйхатдан ўтказган ҳолда танлов ўтказиш ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали сотишга рухсат берилсин.

9. Белгиланган кўйилсинки:

1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида сотилган давлат мулк объектларига доир инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш харидор томонидан ўз зиммасига олинган маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришнинг бошланиши ва янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи мажбуриятлар бажарилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

эркин айирбошланадиган валютада сотиш учун савдога чиқарилган ва савдога турган давлат акциялари пакетлари савдолардан олиниши, уларнинг миллий валютадаги қиймати аниқланган ҳолда қайта баҳолиниши ва миллий валютада такрорий савдоларга чиқарилиши лозим;

ҳўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари қонунчиликда назарда тутилган тўлов муддатларини узайтириш ва чегирмалар тақдим этиш механизмлари қўлланилмаган ҳолда сотилади;

ваколатли давлат органлари қарорлари бўйича сотилган давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларини мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. "Ноль" харид қийматида сотишда, шу жумладан, аввал сотилган давлат мулки объектлари бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилган деб қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил давомида янги иш ўринларини сақлаб қолиш тартиби бекор қилинсин.

11. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорида Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли мурожаати келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда келишилшини таъминлаган ҳолда, Молия вазирлиги ва юқори турувчи манфаатдор давлат органлари розилигига мувофиқ, идоравий мансублигидан қатъий назар, давлат кўчмас мулк объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бун-

дан мустасно) бир давлат ташкилоти тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлигига тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларнинг тасарруфидаги ҳудудда жойлашган, белгиланган тартибда республика давлат бошқаруви органларига бириктирилган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, ушбу объектларни тadbirkorлик фаолиятини юритиш учун бир йилгача бўлган муддатга қонунчиликда назарда тутилган тартибда балансда сақловчилар учун ажратмаларни тегишли маҳаллий бюджетга йўналтирган ҳолда ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида сотиладиган давлат мулки объектлари тўғрисида тadbirkorлар ва аҳолини доимий равишда кенг хабардор қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 19 февраль

## СИРДАРЭ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ МАНЗИЛИ СИФАТИДА НАМУНА БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Сирдарэ вилояти Ховос туманига ташиф бюриб, дастлаб Ховос шаҳарчасининг бош режаси билан танишди.

"Мирзачўл таърибаси" асосида Ховос шаҳарчасининг янги маркази бунёд этилиши режалаштирилган. М-39 автомобиль йўли бўйидаги 42 гектар ҳудудда комплекс қурилиш ишлари лойиҳалаштирилган. Унга мувофиқ, бу ерда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, турар жойлар, мактаблар, истирохат боғи, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади. Йўл инфратузилмаси ривожлантирилиши, аҳоли ва транспорт учун янада қулайликлар яратилади.

Ховосда охири эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилмаган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Энди ҳар йили кўп қаватли янги уйлар барпо этилиб, аҳолининг ижтимоий шароитлари босқичма-босқич яхшиланади боради. Оилавий шароити яхшиланган инсоннинг умиди, эртанги кунга ишончи ҳам мустаҳкамланади.

Шу мақсадга хизмат қиладиган яна бир хайрли ташаббус: "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан Сирдарэ вилоятида 32 та тикувчилик мажмуаси ташкил этиш режалаштирилган. Бу цехларда жами 4 минг 200 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Президентимиз шу ерда ховослик нурунйлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан суҳбатлашди.

Мамакатимизда катта ўзгаришлар амалга ошириладигани, давлат билан бирга одамлар ҳам уйғониши, фаровон яшашига интилиши кераклиги таъкидланди. Ховосликлар вилоят ривожига, аҳоли турмуши даражасини оширишга қаратилган янги режалар уларнинг ҳаётга муносабатини ўзгаришга ташаббуси билан қўллашди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари тумандаги "GRAN RUTA DE LA SEDA" корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини кўздан кечирди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудда гидропоника усулида иссиқхоналар қурилмоқда. Бу эса сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, кўплаб иш ўринлари яратиш имконини бераётир. Мутахассисларнинг фикрича, оддий усулда етиштириладиган помидор қўчатларидан 3 килограмм ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 12 килограммгача етади. Экинларнинг пишиб етилиши 25-30 кунга қисқаради.

Мазкур иссиқхоналарда Голландиядан

серҳосил помидор ва бодрич навлари келтирилиб ақилган. Бутун жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Корея Республикасидан олиб келинган замонавий жиҳозлар ҳароратни, ўсимликнинг сув ва озۇқга талабини чуқур таҳлил орқали аниқлайди ва минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик идзизига етказилади.

Иссиқхонада йилга 1 минг 500 тонна помидор етиштирилади. Шунингдек, 2 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти экспорт қилинади. Корхона томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида яна 10 гектар иссиқхона ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз мазкур иссиқхона кенгайтириш, Жанубий Кореядан келтирилиб, фойдаланиладиган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажати камайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Янгиер шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган аммиак ва карбамид заводи қурилиши майдонида бўлди.

Мамакатимизда қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, маҳсулот етиштиришнинг кўпайтириш ва экспортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда унумдорлигини ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг талаб этади.

Шу боис "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти томонидан "Samsung Engineering" компанияси билан ҳамкорликда аммиак ва карбамид заводи қуриш режалаштирилган. Умумий қиймати 600 миллион доллар бўлган мазкур заводда йилга 400 минг тонна аммиак, 660 минг тонна карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хориждан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди, "ноу-хау"лар қўлланилади. 500 доимий иш ўрни яратилади. Завод қурилиши учун жуда қулай жой танланган. Бу ерда табиий газ манбаи, электр ва сув таъминоти тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар бор.

Сирдарэдагидек қулай инфратузилма ҳеч қаерда йўқ. Бундай имконият заводни қуриш ва барқарор ишлатишда қўл келади, инвесторлар қизиқишини оширади. Бу жуда рентабелли, истикболли лойиҳа, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг иқтисодий самардорлиги, қурилиш ишлари жадалли ҳақида маълумот берилди. Президентимиз завод маҳсулотларини ички талабни қондириш ва ташқи бозорга чиқаришда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Сирдарэ вилоятига ташрифи доирасида Мирзаобод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона томонидан

ташкит этилган пахта қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар билан мулоқот қилди.

2018 йилда Туркиянинг "SUMER" компанияси билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган заводда йилга 60 минг тонна пахта қайта ишланади. Корхонада 200 иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Сирдарэ вилоятига ташрифи доирасида "Бек кластер" корхонасида бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди.

Президент қарори асосида "Бек кластер"га 18 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Масъулияти чекланган жамиятга қарашли корхоналарда мингга яқин доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, 1 минг 800 нафар киши мавсумий ишларга жалб қилинади.

Янги завод пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлайди. Аҳамиятли томони, бу ерга ўрнатилган замонавий ускуналар пахта толасини сифатли қайта ишлаш баробарида, энергия тежамкор ҳамдир.

Қишлоқ ҳўжалигига илмий ёндашиш доимий эътиборимизда бўлиши керак. Бусиз юқори ҳосилдорликка эришишнинг илоҳи йўқ. Шу жиҳатдан "Бек кластер" корхонаси томонидан илмий муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларни қўллаб-қувватлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга "Бек кластер"да истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, кластер қошида давлат хусусий шериклиги асосида коллеж очиб режалаштирилган. Бу ерда кластерга қарашли корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Сирдарэ вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдими ўтказилди. Жумладан, паррандалик, чорвачилик, балиқчилик, урунчилик ва узумчиликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ер майдонларини қайта ўзлаштириш, "Хар бир оила – тadbirkor" дастури бўйича аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши яна минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Шу ерда қорабайир отлари, қорамол, эчки, туяқуш, қуён ва бедана зотлари намоийш этилди.

Давлатимиз раҳбари бу жониворларнинг маҳсулдорлиги, тез қўпайиши, улар ҳар бир оила учун зарурлигига эътибор қаратди. Уй шароитида чорва ва парранда боқишини кўпайтириб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулот-

лари, қўшимча даромад билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади.

Гулистон шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Янги уйлар, иншоотлар, равон кўчалар, сайилгоҳлар, маҳаллаларда амалга ошириладиган ободлик ишлари ҳавасга арзигулик.

Бу манзара Гулистоннинг "Буюк келажак" мавзесида янада ёрқин намоён бўлади. Янги мавзеда 2018 йили намунали лойиҳа асосида 5 қаватли 8 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди, 360 оила уйли бўлди. "Буюк келажак"да яна 7 қаватли, 420 хонадондан иборат 10 та уй қурилмоқда. Бу каби уйлар нафақат Гулистонда, балки бутун вилоятда ҳам кейинги 25-30 йилда биринчи мартаба барпо этилаётир.

Президентимиз "Буюк келажак" мавзесида қурилган уйлар, янги қурилиш жараёни билан танишди.

Бу уйларни қуришдан мақсад аҳолининг кўп йиллик орзуларини амалга оширишдир. Шунинг учун уларни сифатли, ҳар томонлама қулай қилиб қуришимиз керак. Токи янги уйга қўчиб келган ҳар бир оила биздан рози бўлсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу борада "Сирдарэ таърибаси"ни жорий қилиш ҳақида кўрсатмалар берди. Кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

"Guliston City" қурилиши лойиҳаси уч босқичда амалга оширилади. 2019-2022 йилларга мўлжалланган замонавий шаҳарчанинг умумий ер майдони 45 гектарга яқин бўлади. Бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнғилчорлар масканлар, маданият ва бизнес маркази, анжуманлар саройи, таълим ва тибиёт муассасалари, меҳмонхона, хунармандлик уйи каби иншоотлар қурилади.

Шаҳарда 2020 йилга қадар яна 10 та 7 қаватли уй, шунингдек, ички ишлар ходимлари, харбийлар учун хизмат уйлари фойдаланишга топширилади. Бу ерда намунали боғчалар, мактаблар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари барпо этилади.

Президентимиз вилоятда ёшлар таълим-тарбияси, маънавият ва маърифат, спорт соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан ҳам танишди.

Сирдарэ вилоятида китобхонликни кенг тарғиб қилиш концепцияси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, фарзанд тарбияси ҳали у туғилмасидан олдин бошланиши, сўнгра чақалоқлик, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги таълим даврига оид янги концепция ҳаётга кенг таътиб этилмоқда. Гулистон шаҳрида "O'qituvchi" бренди остида марказий китоб дўкони ташкил этиш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш концепцияси ҳам тақдим қилинди.

Маънавиятимиз, гурур-ифтихоримиз биринчи ўринга чиқадиган вақт келди. Фар-

зандларимизни ана шундай етук авлод қилиб тарбиялаш учун барчамиз масъулимиз. Биз бунинг учун маблағ ва вақтни аямаймиз, бор имкониятимизни ишга солимай, деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, иқтисодий шароитни яхшилаш кўп эзгу ишлар дебодчаси экани, рўзғори бут, оиласидан хотирчан киши, эртанги кундан умиди катта ёшлар маънавияти ҳам юксалиб бориши, шундангина китоб ўқишга ҳавас ортиши қайд этилди.

Вилоятда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш, ишсиз ёшлар ва ижтимоий ҳўмоёга муҳтож оилалар фарзандлари бандлигини таъминлаш, кўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари қуриш, маънавий тарбия ва китобхонликни тарғиб этиш концепцияси асосида қўшма китоб павильонлари ташкил қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Гулистон шаҳрида Сирдарэ вилояти ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ййгилиш ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарэ вилоятининг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, қишлоқ туманларда саноат деярли йўқлигини қайд этди. Шу боис махсус ишчи гуруҳининг ўрганишлари натижасида 342 ўрта ва йирик инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Хусусан, Сирдарэ иссиқлик электр станцияси ва Фарход гидроэлектр станциясини модернизация қилиш, Сардоба сув омборида кичик гидроэлектр станцияси қуриш бўйича жами 275 миллион долларлик учта лойиҳани амалга ошириш бошланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Хитой, Италия ва Қозғоғистондаги элчилари томонидан 30 га яқин лойиҳа бўйича аниқ тақлифлар шакллантирилган. Президентимиз вилоятга қўшимча инвестициялар олиб келиш, тadbirkorлик ташаббусларини юзага чиқаришга кўмаклашиш, қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Ййгилишда маънавият, маданият, таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда аънаёна айланган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Ййгиланган бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарэ вилоятига ташрифи якунланди.

ЎЗА

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ УМУММИНТАҚА МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарқандда 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуман натижасида 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда яқин қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Марказий Осиё энергия ва минерал ресурсларга бой, маданий-гуманитар ва улкан инсон капиталига эга. Шу билан бирга, минтақа учун халқаро терроризм, экстремизм ва гийҳват моддалар савдоси таҳдиди мавжуд. Кўп йиллардан буён Афғонистонда давом этаётган жоғрафик давримизнинг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистонда тинчликка эришиш эса Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Шу маънода, бугун Ўзбекистон Афғонистон можаросини ҳал этишдаги халқаро савдо-иқтисодий инфратузилма лойиҳаларига жалб қилишга қаратилган интилишларни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувларини доимий ўтказиш ташаббуси минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Остонада ўтган ушбу форматдаги илк учрашувда сўзлаган нутқида энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш зарурлигини таъкидлади. "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги заҳира ва амалий механизмларни излаш керак", деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

"Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусида ўтаётган халқаро конференция шу борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция минтақа ва дунёнинг қатор давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Анжуман очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Рес-

публикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, инвестициявий муносабатларда ижобий динамика кузатилаётганини, бу эса дунёдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Киргизистон Республикаси стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Куваничбек Шадибеков Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро манфаатли келишувларни амалга ошириш ташаббуслари минтақа мамлакатлари ўртасидаги ишончли муносабатлар, халқларимиз турмуш даражасини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.



Козогистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Козогистон стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари Санат Қушқумбаев тарихий, географик, иқтисодий, демографик жиҳатдан Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон томони савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар, энергетика, сув ресурслари бўйича фаол мулоқотлар олиб борилаётганини қайд этди.

Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Парвиз Муҳаммадзода Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу халқаро конференция ўта долзарб масалаларга қаратилгани ва ўз вақтида илгари сурилганини таъкидлади.

Туркменистон Молия ва иқтисодиёт вазирлиги вакили Исхондор Оразов конференцияда кўп томонлама фикр алмашиш, ўзаро мувофиқ ёндашувлар ишлаб чиқиш ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкам-

лаш учун қулай имконият эканини билдирди. Тадбирнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аҳамиятини юқори баҳолади.

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили офиси мутахассиси Фавзия Арал Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатларни фаоллаштириш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва иқтисодий ривожланишга эришиш борасидаги интилишлари ўз натижаларини бераётганини қайд этди. Бугунги йирк анжуман ҳам томонларнинг барча йўналишлардаги ҳамкорлигини юқори бос-қичга олиб чиқишда яна бир муҳим қадам эканини таъкидлади.

Халқаро конференция шўъба мажлисида давом этди. Уларда савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Таълим, фан йўналишларидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашиш, илгари сурилган долзарб ташаббуслар кенг муҳокама этилди.

Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш минтақада эркин савдо тартибини самарали жорий этиш, божона ва чегара тартиб-қоидаларини соддалаштиришга бевосита боғлиқ экани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари минтақа мамлакатларининг ишонч руҳидаги маслаҳатлашувларини ижобий баҳолаб, бу ишларни давом эттириш савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Орол фожияси оқибатларини бартаф этишда ташаббускори Ўзбекистон томони бўлган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди имкониятларидан самарали фойдаланиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-инфратузилмани тиклаш юзасидан фикр алмашилди.

Минтақа давлатларининг денгиз портларига ва халқаро бозорларга чиқиш имконини берадиган транспорт ва логистика тизимларини яратиш, мавжуд туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига сайёҳлик соҳасининг иқтисодиётдаги улушини ошириб бориш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Конференциянинг биринчи кунинда "Савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик", "Минтақавий хавфсизликни таъминлаш", "Экология ва энергетика, сувдан оқилона фойдаланиш", "Туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар" мавзуларида шўъба мажлислари ўтказилди. Мамлакатимиз ва хориқлик олимлар, нуфузли экспертларнинг таҳлилий маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

## Санъат

### ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ ИҚТИДОРИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

**Мамлакатимизда келажак авлодининг ўз иқтидори ва ижодий салоҳиятини ривожлантириб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган мусика ва санъат мактабларида таълим олаётган ўғил-қизларимиз турли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда.

М.Улуғбек туманидаги 20-сон Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида анъанавий равишда ўтказиб келинадиган "Golden Dream" халқаро фестивалида қатнашиб, юртимиз санъатини дунё сахнасида тараннум этиб юксак эътирофларга муносиб деб топилди.

Мазкур фестивалда Ирландия, Ҳиндистон, Болгария, Арманистон, Америка Қўшма Штатлари, Молдова каби ўндан ортик давлатлар қаторида бу йил илк бор Ўзбекистон ёшлари ҳам иштирок этдилар.

20-сон Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари миллий оҳангларимизни Лас-Вегас сахнасида намойён этиб, энг олий соврин Гран-прини қўлга киритишга мушарраф бўлишди.

Жумладан: Кумуш Эргашбоева – хореография йўналишида Гран-при ва биринчи ўрин соҳибига ҳамда "Мини Мисс – Лас-Вегас 2019" деб номланган йўналишда ҳам биринчи ўринга сазовор бўлди. Малахат Агаева – журналистикда биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Зайнаб Эргашбоева ва Аҳсам Умаров хореография ва саксофонда Гран-при соҳиблари бўлиб юртимизга қайтишди.

Ҳожинабархўжа МАҲМУДОВ, Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси Ёшлар масалалари бўйича бошлик ўринбосари

### ҲИНДИСТОН ШИФОКОРЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

**Бугунги кунда юртимизда хусусий тиббиёт соҳаси ривожланиши билан бир қаторда чет эл клиникалари билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилмоқда.**

Пойтахтимизда жойлашган "Orion medicity" хусусий клиникаси Ҳиндистоннинг "Medanta the medicity" маркази билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. "Orion medicity" хусусий клиника раҳбари Ш.Жабборованинг айтишича, Ҳиндистонлик шифокорлар тез-тез клиникага ташриф буюриб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашади.

Яқинда Ҳиндистонлик болалар кардиожаррохи Амрит Мисри пойтахтимизга келиб, бепул консултация ва даволаш ишларини ўтказди. Бу тадбирда Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари ва аспирантлари ҳам қатнашиб, Ҳиндистонлик жарроҳдан ўзаро тажриба алмашди.

– Ҳиндистонлик мутахассисдан марказимиз ходимлари ва аспирантлари ўзига керакли янгиликларни ўрганди, – дейди Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д.Аҳмедова. – Биласиз, Ҳиндистонда тиббиёт анча ривожланган ва малакали шифокорлар кўпчилигини ташкил этади. Доктор Амрит Мисрининг юртимизга ташрифи болалар ўртасида жарроҳлик амалиётларини сифатли ўтказишда асқотади.

Дарҳақиқат, Ҳиндистоннинг "Medanta the medicity" марказининг болалар кардиохирургияси бўлими бошлиги Амрит Мисри икки кун давомида бемор болаларимизни кўриқдан ўтказиб, аниқ таъхис қўйиб, уларни даволашга бош-қош бўлди.

Тадбир сўнггида Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, "Orion medicity" ҳамда "Medanta the medicity" ўртасида доимий ҳамкорлик юзасидан уч томонлама Меморандум имзоланди.

З.ШАРИФЖОНОВ

## Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

### МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК – ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ИШОНЧЛИ КУРАШ

**Пойтахтимизда ўтаётган "Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишдаги эзгу ташаббуслар юксак баҳоланмоқда. Айни жиҳатлар халқаро анжуман иштирокчилари томонидан билдирилган фикрларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.**

**Андерс ЛЮНГГРЕН,** Швеция Ташқи ишлар вазири Шимолий кенгашининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ташаббус ва тинчликпарвар ғоялари алоҳида эътиборга молик. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда мазкур халқаро анжуман кўтарилаётган масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, минтақада мамлакатларга ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аввало, турли таҳдид ва хатарларнинг олдини олишга боғлиқ. Тадбир доирасида эса ҳамкорликнинг сиёсий, иқтисодий жиҳатлари қаторида маданий-маърифий, ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг қамраб олингани диққатга сазовор.

**Умберто Дел ПАНТА,** Европа инвестиция банки бошқарувчи маслаҳатчиси:

– Бугун дунёнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий манзараси шиддат билан ўзгармоқда. Ушбу жараёнда давлатларaro ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу қатор масалалар билан бирга, экологик муаммоларга ҳам ижобий ечим топиш имконини беради. Молиявий тузилмани давлатларда экология, атроф-муҳитни сақлашга оид истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳам сув таъминоти оид инфратузилмани яхшилаш, энергияни тежаш бўйича бир қатор лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда. Бугунги анжуман Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли, яхши ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид тажрибаларни оммалаштириш имконини бермоқда.

**Карлигаш НУГМАНОВА,** Сиёсий тадқиқотлар ассоциацияси директори (Козогистон):

– Минтақада терроризм, одам сав-

доси, наркотрафик, экстремизм каби таҳдидларнинг мавжудлиги Марказий Осиё давлатлари халқларининг ягона консенсусга келишини тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошлаб берган сиёсий ташаббуслар Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжихатликни, мулоқотни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Мазкур анжуман кўлами ва унда кўтарилган масалалар ғоят долзарблиги, муҳимлиги билан ажралиб туради.

**Тофик АББАСОВ,** Халқаро мультимедиа маркази сиёсатшуноси (Озарбайжон):

– Ўзбекистон сўнгги икки йилда тараққиётнинг янги босқичига чиқди. Бу сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, ижтимоий-гуманитар ва бошқа қатор соҳалардаги ижобий ўзгаришларда намойён. Минтақада тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишга эришиш борасидаги халқаро ташаббуслар эса мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тен-

глик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик таъминлашига содиқлигини кўрсатади.

Қайд этиш жоизки, Марказий Осиёдаги тинчлик, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш минтақа давлатларининг ўзаро яхши қўшничилик, дўстлик, манфаатли ҳамкорлик муносабатларига боғлиқ. Қўшни давлатлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш, маданий, таълим, сайёҳлик соҳаларига оид лойиҳа ва дастурлар қамровини кенгайтириш турли таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу конференция Марказий Осиё давлатлари ўзаро мулоқотининг доимий тус олгани ва минтақа тараққиёти борасидаги ташаббуслар айнан яқин ва ҳамкор Козогистон, Киргизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Халқаро ҳамжамият эса бу каби ислохотларга хайрихоҳдир.

**Мариан АБИШЕВА,** Козогистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Дипломатия институти директори:

– Марказий Осиё бугун дунё учун қайта кашф этилмоқда. Минтақанинг глобал жараёнлардаги иштироки фаоллашаётир. Мазкур жараённинг доимийлик касб этиши яқин ўн йилларда минтақа мамлакатларини ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича пешқадамлар сафига олиб чиқади.

Бугунги анжуман минтақанинг Фарб ва Шарқ ўртасида иқтисодий, савдо ва қатор муҳим йўналишларда кўприк мақомини мустаҳкамлашга қаратилган.

**ЎЗА мухбири Назоат УСМОНОВА** Милоҳат ХУСАНОВА эъиб олди

## Реклама ва эълонлар

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ХУҲЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани "24/7-электрон офис" шохобчасига (ўртача 20 кв. м. 4х5) Юнусобод тумани, А.Темур шох кўчасида жойлашган "НУМО" автосалони рўйхатидан автобус бекати ёнида акратилган жойга қурилган "24/7-электрон офис" шохобчаси учун лицензияси бор, ҳаммада 5 йил таърибага эга лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ** Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Уч Қаҳрамон кўчаси, 7-уй. Телефонлар: (371) 221-00-01, 221-82-09.

Нархлари фойида кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

"EUROASIA INSURANCE" ҚҚ МЧЖ СК Яккасарой филиалига тегишли бўлган қуйидаги 0074957 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилсин.

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 25.10.2018 йилда № 645555 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "ELTSNINE" хусусий корхонаси (СТИР: 305822509) таъсисчининг 2019 йил 19 февралдаги 01-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ** Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Богашов кўчаси, 3-уй, 39-хонадон. Давлолар икки ой мuddат ичида +99897 94 648 53 88 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Учтепа туман кадастр хизмати томонидан Ахмедов Хожимурод номига Учтепа тумани, Ибрат кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган турар-жой кадастри хужжатлари ва ушбу турар-жойга тегишли бўлган бинони мерос шартномасини расмийлаштириш учун олинган маълумотномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 17.04.2014 йилда № 007377-05 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "BUNYODKOR NIL" МЧЖ (СТИР: 302917461) таъсисчининг 20.02.2019 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ** Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси G-30, 22 В-уй, 11-хонадон манзилида қабул қилинади. Тел: +99897 761-99-77.

Футбол янгиликлари

ЎСМИРЛАРГА ЁРДАМЧИ МУРАББИЙ ТАЙИНЛАНДИ

Футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўсмирлар терма жамоасида халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадига пойтахтимиздаги "Чигатой" спорт мажмуасида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди.

Мухлисларга маълумки, 16 ёшли футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамизни яқин ўтмишнинг ўзбек футбол афсоналаридан бири, тажрибали мутахассис Азамат Абдураимов бош мураббий сифатида бошқармоқда. Яқинда ЎФА мутасаддиларининг маълум қилишларича, Азамат Абдураимовга ёрдам берадиган мураббий номи эълон қилинди. Эндиликда Сергей Арслонов Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасида ёрдамчи мураббий сифатида фаолият олиб боради.

СИНОВДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШДИ

Янги мавсумга икки ярим ойдан бери тайёргарлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" жамоаси футболчилари жисмоний тайёргарлик бўйича норматив топширишди.

ЎФА мутахассислари иштирок этган ушбу синовда 4 та йўналишда (30 метрга югуриш, жойидан узунликка сакраш, 7x50 м. ва "VoVo" тест) норматив шартларини бажарган футболчилар ижобий баҳо олишди. Шунингдек, дарвозабонлар тўпни қўл ҳамда оёқ билан узок масофага етказиш бўйича шартлар ҳам аъло даражада бажарилди.

МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ХИТОЙГА БОРАДИ

Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз футбол бўйича China Cup мусобақасида қатнашадиган бўлди.

Хитойнинг Гуанси шаҳрида 18-26 март кунлари уюштирилган халқаро турнирда миллий терма жамоамиздан ташқари Уругвай, Хитой, Таиланд терма жамоалари ҳам қатнашишди. Қуръага кўра, Эктор Купер шогирдлари Таиланд билан, Хитой эса Уругвай билан тўп суради. Иккинчи бахсда дастлабки жуфтларлар голиблари ўзаро куч синашадилар. Шунингдек, дастлабки ўйинда мағлуб бўлганлар ҳам бир-бирига рақиб бўлади. Шунингдек, дастлабки ўйинда мағлуб бўлганлар ҳам бир-бирига рақиб бўлади. Шунингдек, дастлабки ўйинда мағлуб бўлганлар ҳам бир-бирига рақиб бўлади. Шунингдек, дастлабки ўйинда мағлуб бўлганлар ҳам бир-бирига рақиб бўлади.

Мулоҳаза

МЕНДА ФИКР БОР...

Бугун Ўзбекистон нафақат қўшни давлатлар билан балки дунё давлатлари билан ҳам ҳамдўстлик алоқаларини юксак поғоналарга кўтариб, халқаро туризмни ривожланишига кенг йўл очиб бердилар.

Ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда транспорт логистикасини ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасига чегарадош, қўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатларидан юртимизга ташрифт буюрувчилар кун сайин ортиб бормоқда. Тошкент шаҳрига нафақат қўшни давлатлардан водий ва воҳа шаҳарларидан ҳам кириб келаётган транспорт воситаларининг сони соат сайин ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида шаҳар йўлларига тирбандликлар ва автотураргоҳларни барпо этиш муаммоларини келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, йўл ҳаракати хавфсизлигига алоқадор вазирлик, мутасаддилар ва кенг жамоатчилик муҳокама-сига қуйидаги фикрларимни тақдим этмоқчиман.

Таъриба тарикасида авваламбор Тошкент шаҳрида йирик автотураргоҳларни ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифларимни билдираман. Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метрополитени бекатлари яқинида водий, воҳадан ва вилоятлардан кириб келадиган транспорт воситалари учун махсус автотураргоҳлар учун ер майдонларини аниқлаш. Автотураргоҳларни лойиҳалаштириш ва инфраструктура яратиш. Транспорт логистикасини ташкил этиш. Шаҳар транспортини метро, автобус, йўналишли таксилар ва туристик автобусларни янги барпо этиладиган автотураргоҳлар билан боғлаш.

Автотураргоҳларда меҳмонхона, ошхона, автотураргоҳларга сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари, темир йўл ва авиа кассаларни иштини ташкил этиш. Автотураргоҳда Тошкент шаҳри меҳмонларига туристик автобуслар турар жойини ташкил этиш. Транспорт воситалари учун шаҳар атрофида автотураргоҳларни яратишни ҳайдовчилар ва меҳмонлар учун қулайликлар яратишни билан биригилдида шаҳар ичида ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг оқимини камайишига олиб келади ва шаҳар ичида тирбандликни сезиларли даражада камайтиради.

Ўзбекистон Республикасида йилга икки мингта яқин инсонлар йўл транспорт ҳодисалари (ИТХ) оқибатида ҳаётдан кўз юммоқдалар. ИТХларнинг содир бўлиш эҳтимолини камайтириш учун кўрилатган чора-тадбирлар сезиларли даражада наф келтирмапти. ИТХси содир этилишига асосий сабаблардан бири бу ҳайдовчи-пиеда тизими бўлиб, барча ИТХларнинг 80 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Жарималарни ортиши ҳам бу муаммони ҳал эта олмайди. Шу ўринда жарималарнинг бир турини таҳлил қилиб кўрайлик. Автомобиль ойналарининг тусини ўзгартириш – қорайтириш метёри 30 фоиздан ортимаслиги белгилаб қўйилган. Бундан асосий мақсад транспорт воситалари салонидидаги ҳайдовчи ва йўловчиларни ДАН ходимлари, видеорегистратор ва фоторадарлар кузата олиш имкониятига эга бўлишларидир. Унда ўз-ўзидан савол турғилади. "Нега давлатта белгиланган миқдорда пул тўлаш орқали метёрга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга бўлиш мумкин?"

ИТХларни пайдо бўлиш эҳтимолини камайтириш учун Автомобиль-Йўл-Ҳайдовчи тизимидаги асосий бўлган ҳайдовчи қаратишни талаб этилади. Шундай экан, асосий эътиборни ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратишимиз зарур.

Ҳайдовчилар тайёрлаш автомактаблари ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб берадими? Йўқ албатта. Чунки қисқа вақт (3-4 ой) ичида малакали ҳайдовчиларни тайёрлаб бўлмаслигини вақт кўрсатиб турибди. Автомактаблар ихтиёридаги назарий ва амалий машғулотлар соати камлиги сабабли ҳайдовчилик гувоҳномасини олган ҳайдовчилик автомобиль ойналарини етарли кўринмаслик ҳолатларида, сирпанчик йўлларда, довлонларда, рухсат этилган катта тезликларда ва шунга ўхшаш шароитларда, автомобилни бошқариш малакасига эга бўлмайди. Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

Автомактабларга мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган педагогларни жалб этишни ташкил этиш. Назарий ва амалий машғулотларга ажратилган соатларни ва ўқиш муддатини қайта кўриб чиқиш. Тошкент шаҳрида автомобилни бошқариш бўйича машғулотларни ўргатиш учун замонавий, хорижий давлатлар таърибидан келиб чиққан ҳолда автодор яратиш ва имтиҳонлар олишни ташкил этиш.

Назарий имтиҳонларни хорижий давлатлар таърибидан фойдаланилган ҳолда ўтказишни ташкил этиш. Биринчи мартада ҳайдовчилик гувоҳномасини олган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларига "Тезлик чекланган" таниқлик белгисини маълум муддатга ўрнатишни ташкил этиш. Қоида бузган ҳайдовчиларни қайта тайёргарлик кўриш учун автомактабларга, қайта (маълум муддатга) ўқишга жалб этишни ташкил этиш. Барчамизнинг мақсадимиз ИТХларни содир бўлиш эҳтимолини мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Бахтиёр ТУРГУНАЕВ



Қиличбозлик

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабидан Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида I очик чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокорпорацияси ҳамда мамлакатимиз қиличбозлик федерацияси ҳамкорлигида илк мартада ўтказилган мазкур мусобақада вакилларимиз билан бирга Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозғистондан келган 150 нафардан ортиқ спортчи голиблик учун куч синашди.

Чемпионатда умидли қиличбозимиз Зайнаб Дайибоева қилич йўналишида кадетлар ва ўсмирлар ўртасида барча рақибларини енгиб, терма жамоамиз ҳисобига икки олтин медални кўшиб қўйди.

Шамшир, қилич ва рапира йўналишларида ўтган беллашуларда ўсмирлар ўртасида Санжарбек Собиров, Аҳмадиллохон Солихожиев, Пазилбек Генжебоев, Жасмина Сувонова каби спортчиларимиз шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, кадетларимиздан Шерзод Мамутов, Илём Молина, Шаҳзода Эгамбердиева, Лолита Зиёхўжаева ҳамда Маржона Усмонова олтин медал билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги I очик чемпионатида 11 та олтин, 9 та кумуш ва 16 та бронза, жами 36 та медални кўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобидан биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Туркменистон термаси ягона олтин медал билан иккинчи, Қозғистон вакиллари 2 та кумуш ва 7 та бронза билан умумжамоа ҳисобидан учинчи бўлди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА муҳбири

102 Хабарлари

СПОРТ КЛУБИДАГИ ЎҒРИЛИК ФОШ БЎЛДИ

Чилонзор туманида яшовчи Т.М. Навоий шаҳар ИИБга мурожаат қилиб, шу кунги номаълум шахс Навоий шаҳрида жойлашган "Марварид" номли спорт клубининг кийим алмаштириш хонасидан унга тегишли, ичида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва пуллари бўлган ҳамменини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Навбахор тумани "Қизилол" МФЙда яшовчи Т.Б. содир этганлиги аниқланиб, ушланди. Тергов давом этмоқда.

АВТОМАШИНАНИ ОЛИБ ҚОЧГАНИ УЧУН...

М.Улуғбек туманида 11 февраль кунин Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида яшовчи Қорасув 6-даҳада жойлашган автомашиналарни ювиш шохобаси ишчиси О.Д. иш жойида эшикларни очик ҳолда қаровсиз қолдирилган Бектемир туманида яшовчи Қ.Қ.га тегишли "Нексия" русумли автомашинасини ҳайдаб қочган.

Олиб борилган қидирув ишлари натижасида автомашина М.Улуғбек тумани, Қорасув 6-даҳа ҳудудидан техник соҳада топилган. Кўрилган чоралар натижасида О.Д. ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ҚУЛОҒИДАН ЗИРАКЛАРИНИ ЮЛИБ, ОЛИБ КЕТДИ

Тошкент шаҳрида яшовчи Н.С. исмли аёл ИИБга мурожаат қилиб, унда шу йил 21 январь кунги номаълум шахс "Турон" маҳалласида жойлашган ўрта мактаб олдида, уни кулоғидидаги бир жуфт зиракларини олиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетганлигини маълум қилган.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Яшнобод тумани, Боткин кўчасида яшовчи, муқаддам судланган С.Ш. содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЭХТИЁТСИЗЛИГИ САБАБ УЧИНЧИ ҚАВАТДАН ТҲНИБ КЕТДИ

Юнусобод туманида яшовчи, 14 ёшли ўрта мактаб ўқувчиси Ф.Т. қиз 3-қаватда жойлашган уйининг дераза ойнаси олдида мобил телефони орқали ўзини расмга (селфи) тушуратган вақтида эҳтиётсизлиги сабаб паства тушиб кетган.

Натижада Ф.Т. жараҳат олиб касалхонага ётқизилган. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

АВТОМАШИНА ЮКХОНАСИДАН ПУЛЛАРИНИ ЎҒИРЛАГАН ШАХС ҚЎЛГА ТУШДИ

Бектемир тумани "Кўйлик" дехқон бозорининг 2-сонли павильонидан турган Фарғона вилояти Данғара туманида яшовчи О.Т. томонидан қаровсиз қолдирилган "Нексия" русумли автомашина юкхонасидан 14 500 000 сўмини ва 8 500 АҚШ долларини ўғирлаб кетган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Андижон вилояти Бўз туманида яшовчи С.Қ. содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

ТЕЛЕФОН ЎҒИРЛАРИ УШЛАНДИ

Номаълум шахслар Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани, Мўқимий кўчасида жойлашган "Чимкент" кафеси олдида қаровсиз қолдирилган Қорақалпоғистон Республикаси Аму-дарё туманида яшовчи С.М.га тегишли "Cobalt" русумли автомашина юкхонасидан умумий қиймати 29 800 000 сўмлик турли хилдаги мобил телефонларни ўғирлаб кетган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчасида яшовчи Ж.А. ва Наманган шаҳар, Навоий 5-бەрк кўчасида яшовчи Н.Қ.лар содир этганликларни аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

3-ОЗ ЎРГАНИД ДОМО БИЛУР

МАШРИҚЗАМИН - ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бир дононинг айтишича, яхши киши шундайки, доимо ўлим олдида турганини ўйлаб тезроқ ишлар қилиб қолдиришга уринади. Поқдил шундай кишики, у ўзини доимо ҳасад ва риёдан покиза тугади. Хушхулқ шундай кишики, у ёмон ишларни ҳам яхшилик билан ёдга олади.

Яхшилик ёмонликни куйдирувчи олов. Яхши билан дўст бўлган ёмонлардан қутилар.

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

Яхши одам ўзини ўзи ранжитмайди, ўзгани ҳам хафа қилмайди.

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

Яхшилик қилган одамнинг миннат билан камситишга уринма.

Ҳаётда сен курашсанг фойда ё зиён учун, ўйламагил ўзингни дегил: "Бу жаҳон учун".

Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин, Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

Сукут — саломатликдир, яхшилик — иззат-обрўдир. Сахийлик — улугликни келтиради.

Яхши гапирмиш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор: бу диққат билан тинглай билишдир.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 21 февраль кунини ҳаво ўзаариб туради, ёнғингарчилик кутилмайди. Эрталаб ва кечқурун туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеча-...